# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 14 - апрел 786а-son Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани "Найман" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Og‘olar" фермер хўжалигига қарашли "Устахона" биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги "Og‘olar" фермер хўжалиги раҳбари С.Хасановнинг Боғот тумани "Найман" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Устахона" биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 мартдаги ШЯ-Х-934-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2001 йил 27 ноябрдаги № 477-сонли қарорига ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 9 декабрдаги 4131-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 7, 20, 29-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Боғот тумани "Найман" маҳалласи ҳудудида жойлашган 3 (уч)та хонадан, жами ички ўлчами 66,95 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 96,17 квадрат метр, умумий ер майдони 1000,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу "Устахона" биноси "Og‘olar" фермер хўжалигига тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. "Og‘olar" фермер хўжалиги (С.Хасанов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу "Устахона" биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **Ш.Яхшибаев**